

№01-14/6  
20.05.2022й.

Ўзбекистон Республикаси  
"Ўзархив" агентлиги  
директори



У. Юсупов  
20.05.2022 йил

**Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" агентлиги Марказий аппарати,  
Ўзбекистон миллий архивлари жамоаларининг умумий йиғилиши  
1-сон баёни**

**Раислик қилувчи:**  
У. Юсупов

Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив"  
агентлиги директори

**Қатнашдилар:**

"Ўзархив" агентлиги, Ўзбекистон миллий  
архивларида меҳнат қилаётган хотин-  
қизлар, жами 135 нафар

**Таклиф этилганлар:**

"Ўзархив" агентлиги директори  
ўринбосарлари, Агентлик директори  
маслаҳатчилари, Агентлик Бош  
юрисконсулти, миллий архивлар  
раҳбарлари

## **КУН ТАРТИБИ**

**I. Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" агентлигида хотин-қизлар  
бошланғич ташкилотини таъсис этиш тўғрисида;**

**II. Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" агентлиги хотин-қизлар  
бошланғич ташкилотининг Аёллар кенгаши таркибини тузиш ҳақида;**

**III. Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" агентлиги хотин-қизлар  
бошланғич ташкилотининг Низоми лойиҳаси тўғрисида.**

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва  
билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида қарор қилинди:

**I. Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" агентлигида хотин-қизлар  
бошланғич ташкилотини таъсис этиш тўғрисида**

---

*(У. Юсупов, Д. Закирова, У. Юсупов)*

1. Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" агентлиги ва Ўзбекистон миллий

архивларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар фаолияти, соҳада уларнинг ўрни ва аҳамияти, жамиятдаги фаоллиги, Республика миқёсида хотин-қизларга бўлган эътибор ҳақида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-87-сон Фармони мазмун-моҳияти ҳақидаги "Ўзархив" агентлиги директори У. Юсуповнинг ахбороти ҳамда "Ўзархив" агентлиги, Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт хужжатлари миллий архиви, Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари миллий архиви ҳамда Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази жамоаларининг бирлашган хотин-қизлар бошланғич ташкилотини тузиш тўғрисидаги таклифи маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзархив" агентлиги, Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Илмий техника ва тиббиёт хужжатлари миллий архиви, Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари миллий архиви ҳамда Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази жамоаларининг бирлашган хотин-қизлар бошланғич ташкилоти тузилсин. (Кейинги ўринларда – Агентлик хотин-қизлар бошланғич ташкилоти, қисқартмаси Агентлик ХҚБТ)

3. Агентлик хотин-қизлар ташкилотининг таъсис йиғилишида хотин-қизлар бошланғич ташкилотига Агентлик бош мутахассиси Юнусходжаева Санобар Батировна сайланганлиги маъқуллансин.

## **II. Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" агентлиги хотин-қизлар бошланғич ташкилотининг Аёллар кенгаши таркибини тасдиқлаш ҳақида**

---

*(У. Юсупов, Д. Закирова, Ш. Турсунбаев, С. Юнусходжаева, У. Юсупов)*

4. Агентлик хотин-қизлар бошланғич ташкилотининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи коллегиял ижроия органи – Аёллар кенгаши 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Агентлик хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раиси, Аёллар кенгаши раиси С. Юнусходжаевага:

бир ҳафта муддатда бошланғич ташкилот фаолиятини мувофиқлаштириш учун Аёллар кенгашининг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Агентлик раҳбарияти билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

Аёллар кенгаши аъзоларининг иш тақсимотини ишлаб чиқиш;

Бошланғич ташкилот фаолиятида Агентлик ва унинг таркибий қисмларида меҳнат қилаётган аёллар, хотин-қизлар билан доимий мулоқотларни амалга ошириш;

мазкур баённомани Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасидан рўйхатдан ўтказиш вазифалари юклатилсин.

### **III. Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" агентлиги хотин-қизлар бошланғич ташкилотининг Низоми лойиҳаси тўғрисида**

---

*( У. Юсупов, Ш. Турсунбаев, Ш. Рахимов, А. Алиев, А. Файзуллаев, .... У. Юсупов )*

6. Жорий йил 18 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида мулкчилик шаклидан қатъий назар барча меҳнат жамоаларида хотин-қизлар бошланғич ташкилотларини ташкил этиш бўйича топшириғи ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Оила ва хотин-қизлар масалалари котибиятининг 2022 йил 20 майдаги 10/1-525-сон хати билан ижрога қаратилган Намунавий низомга мувофиқ Агентлик хотин қизлар бошланғич ташкилоти Низоми 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

7. Агентлик директори ўринбосарлари, Ўзбекистон миллий архивлари ва Архив иши бўйича малака ошириш маркази раҳбарларига Низомда белгиланган тартибда хотин-қизлар бошланғич ташкилотига қўмаклашиб бориш тавсия этилсин.

8. Агентлик гендер тенглик бўйича Маслаҳат-кенгаши (Ш. Турсунбаев) бошланғич ташкилотнинг Аёллар кенгаши фаолиятига яқиндан ёрдам кўрсатсин.

9. Агентлик ахборот хизмати (А. Алиевга)га хотин-қизлар бошланғич ташкилотининг Аёллар кенгаши фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Ушбу баённома қарори бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига юборилсин.

11. Баённома қарори ижросини назорат қилиш Агентлик директори ўринбосари Ш. Садиқовга тавсия этилсин.

**Баённома юритувчи**

**О. Суюнов**

**Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" агентлигининг хотин-қизлар  
бошланғич ташкилоти Аёллар кенгаши таркиби**

<b>Т/р</b>	<b>Фамилияси, исми, шарифи</b>	<b>Иш жойи ва лавозими</b>
1.	Санобар Батировна Юнусходжаева	"Ўзархив" агентлиги бош мутахассиси, Аёллар кенгаши раиси
2.	Каромат Маннаповна Ширмухаммедова	Агентлик касаба уюшмаси раиси, Аёллар кенгаши раиси ўринбосари
3.	Нилуфар Усманиевна Анаркулова	Агентлик бўлим бошлиғи, кенгаш аъзоси
4.	Дилрабо Сайдуллаевна Дадаева	Агентлик бўлим бошлиғи, кенгаш аъзоси
5.	Дилбар Тахировна Закирова	Ўзбекистон миллий архиви директори, кенгаш аъзоси
6.	Умида Асамовна Акрамова	Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари миллий архиви бўлим бошлиғи
7.	Феруза Саидикрамовна Саидқосимова	Агентлик бош мутахассиси, кенгаш котиби

## **Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" агентлигининг хотин-қизлар бошланғич ташкилоти Низоми**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1.1. Ушбу Низом "Ўзархив" агентлиги, Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви, Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви, Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази меҳнат жамоаларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ягона бошланғич ташкилоти (кейинги ўринларда — бошланғич ташкилот) асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1.2. Бошланғич ташкилот хотин-қизларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда 1.1-бандда белгиланган меҳнат жамоаларининг хотин-қизлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи коллегиял орган ҳисобланади.

1.3. Бошланғич ташкилот ушбу Низомнинг 1.1-бандида белгиланган барча меҳнат жамоаларида фаолият олиб бораётган хотин-қизларни ихтиёрийлик асосида бирлаштиради, шу билан бирга жамоатчилик асосида фаолият юритади.

1.4. Бошланғич ташкилот ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, мазкур Низомга мувофиқ олиб боради.

### **2-боб. Ташкилотни ташкил этиш ва унинг тузилиши**

2.1. Бошланғич ташкилот ушбу Низомнинг 1.1-бандида белгиланган меҳнат жамоаларининг 18 ёшдан катта бўлган хотин-қизларидан иборат таркибда ташкил этилади.

Унда меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган, касби, мавқеи, лавозимидан қатъий назар хотин-қизлар бирлашиши мумкин.

2.2. Бошланғич ташкилотни тузиш ҳақидаги қарор аъзоларнинг умумий йиғилишида кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва бу ҳақда 10 (ўн) иш кунида Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига хабар қилинади.

2.3. Бошланғич ташкилотни ташкил этиш тўғрисидаги қарор чиққан кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддатда "Ўзархив" агентлигининг тегишли буйруғи қабул қилинади.

### **3-боб. Бошланғич ташкилотнинг асосий вазифалари ва функциялари**

3.1. Бошланғич ташкилот меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган

хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий ва маънавий қадриятларимизга асосланган ҳолда оила муносабатларини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизларнинг маънавиятини юксалтириш мақсадида тузилади.

3.2. Қуйидагилар Бошланғич ташкилотнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига юкланган вазифаларни амалга оширишда яқиндан қўмаклашиш;

хотин-қизларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда “Ўзархив” агентлиги, миллий архивлар, марказ фаолиятига қўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳукуматининг ҳужжатларида соҳага оид белгиланган талабларни ҳаётга тўлақонли жорий этиш.

3.3. Бошланғич ташкилот ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) “Ўзархив” агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига юкланган вазифаларни амалга оширишда яқиндан қўмаклашиш соҳасида:

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасини хотин-қизларнинг қўмақчиси ва таянчига айлантириш;

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир тавсиялар бериш, хотин-қизларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида вужудга келаётган муаммо ва йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишда қўмаклашиш;

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг давлат органлари ва муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш режаларини белгилашда, тадбирлар, анжуманлар ташкил этишда ва ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш;

тизимда хотин-қизлар муаммолари ва ташаббусларини ўрганиш;

хотин-қизларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал қилишда жамоат бирлашмалари, хайрия жамғармалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, аёлларга нисбатан меҳнат қонунчилигида белгиланган имтиёз ва кафолатларни амалга оширишда қўмаклашиш;

оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолияти борасида кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш, ушбу соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

б) хотин-қизларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

“Ўзархив” агентлиги, Ўзбекистон миллий архивлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан хотин-қизларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш;

хотин-қизларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ислохотларни хотин-қизларга доимий равишда етказиб бориш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб меҳнат

шароитларини яратилишига кўмаклашиш;

хотин-қизларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир тадбирларни ташкил этиш;

миллий ва маънавий қадриятларимизга асосланган ҳолда оила муносабатларини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўртасида салбий ҳолатларнинг олдини олиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширишга, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ташкил этиш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билимлари ва маданиятини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларини ўрганиш ва бартараф этишга кўмаклашиш;

оилаларни мустаҳкамлашга оид хотин-қизлар масалаларида таълим муассасалари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

хотин-қизларга миллий ўзлик, инсонпарварлик анъаналарига садоқат ғояларини сингдириш, улар ўртасида радикализм ва экстремизмнинг ёт ғояларига қарши иммунитетни мустаҳкамлаш борасида маърифий ишларни амалга ошириш;

хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спортга қизиқишни рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

хотин-қизлар ўртасида санитария-гигиенага оид ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тарғибот ишларини ташкил этиш;

хотин-қизлар таълими ва тарбияси сифатини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш чораларини кўриш;

хотин-қизларнинг касбий салоҳиятини ошириб бориши учун шарт-шароитларни яратиш, семинарлар ташкил этиш;

хотин-қизлар ўртасида ўқув, ахборот, маънавий-маърифий, маданий ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши курашиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

в) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳукуматининг ҳужжатларида соҳага оид белгиланган талабларни ҳаётга тўлақонли жорий этиш соҳасида:

хотин-қизларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилишида ва амалга оширилишида иштирок этиш.

#### **4-боб. Бошланғич ташкилотнинг ваколатлари**

4.1. Бошланғич ташкилот куйидаги ваколатларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва мазкур Низом тамойилларига зид бўлмаган, фаолиятга оид Агентликнинг ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича Агентлик, миллий архивлар,

давлат архивларидан белгиланган тартибда маълумотларни сўраш ва олиш;  
Ўзбекистон миллий архивлари, ҳудудий бошқармалар ва давлат архивларининг хотин-қизларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти самарадорлигини оширишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;  
архив иши ва иш юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини олиб бориш;  
маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларни белгиланган тартибда “Соҳа ифтихори” кўкрак нишони ва Агентликнинг идоравий мукофотларига тавсия этиш;  
архив соҳасида кўп йиллар хизмат қилаётган архивчилар сулоласи, "Устоз-шоғирд" анъаналари бўйича Агентлик фаолиятига кўмаклашиш;  
хотин-қизларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда фаол ва ташаббускор хотин-қизларни рағбатлантириш, жамоат ишларига жалб этиш, шунингдек, уларни ўрнатилган тартибда раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш;  
уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш ва раҳбариятга киритиш;  
Ўзбекистон Республикаси "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;  
бошланғич ташкилот фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш;  
бошланғич ташкилот қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Бошланғич ташкилот ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4.3. Бошланғич ташкилот Аёллар кенгаши орқали амалга оширилаётган ишлар юзасидан "Ўзархив" агентлигига ахборот бериб боради.

## **5-боб. Бошланғич ташкилот фаолиятининг асосий тамойиллари**

5.1. Бошланғич ташкилот ўз фаолиятини қуйидаги тамойиллар асосида олиб боради:

фаолиятининг очиқлиги;

бошланғич ташкилот раҳбар органларининг сайланиши;

бошланғич ташкилот сайлаб қўйиладиган раҳбар органларининг юқори турувчи органи ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, ушбу Низомнинг 1.1-бандида кўрсатилган ташкилотларга ҳисобот бериши;

бошланғич ташкилот ва унинг сайлаб қўйиладиган органлари ишида коллегиялик, ошкоралик;

қарорлар қабул қилиш чоғида мунозара эркинлиги ва қабул қилингандан кейин сўзсиз бажарилишини таъминланиши.

## **6-боб. Бошланғич ташкилотнинг раҳбар органлари**

6.1. Бошланғич ташкилотнинг раҳбар органлари :

Умумий йиғилиш — бошланғич ташкилотнинг олий органи ҳисобланади.



Аёллар кенгаши — бошланғич ташкилот фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи коллегиял, ижроия орган ҳисобланади.

Ушбу Низомнинг 1.1-бандида кўрсатилган ташкилотларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг умумий йиғилишида сайланган шахс - Бошланғич ташкилот раиси ҳисобланади.

6.3. Умумий йиғилиш:

6.3.1. Бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилишлари уларнинг ишида ўз аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ҳуқуқли ҳисобланади.

6.3.2. Бошланғич ташкилот умумий йиғилиши қарорлари уларда қатнашаётган йиғилиш иштирокчиларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз бергандагина қабул қилинган ҳисобланади.

Овоз бериш усули (очиқ ёки ёпиқ тарзда) тегишли умумий йиғилиш иштирокчилари томонидан белгиланади.

6.3.3. Бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинади ва натижалари бўйича баённомалар расмийлаштирилади.

6.3.4. Бошланғич ташкилот умумий йиғилишининг чақирилиши тўғрисида камида 10 (ўн) кун аввал эълон қилинади ва унда умумий йиғилиш муддати, жойи, кун тартиби кўрсатилади.

6.4. Бошланғич ташкилотнинг зарур ҳоллардаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўз аъзоларининг ташаббусига биноан, бошланғич ташкилот аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талабига кўра чақирилади.

6.5. Бошланғич ташкилот умумий йиғилиши ваколатлари:

бошланғич ташкилот раисини 3 (уч) йил муддатга сайлаш;

бошланғич ташкилотнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш; мазкур Низом ва бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига доир низомлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, бошланғич ташкилот аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига оид масалаларда қарор қабул қилиш;

Бошланғич ташкилотнинг Аёллар кенгаши сон таркибини белгилаш ва аъзоларини 3 (уч) йил муддатга сайлаш;

аёллар кенгашининг аъзолари фаолиятини давом эттира олмаган (бошқа ишга ўтиб кетиши ёки бошқа сабабларга кўра) тақдирда 2 (икки) ҳафта муддатда кенгаш таркибини янгилаш ва янги аъзоларни сайлаш бўйича умумий йиғилиш ўтказилади.

6.6. Ваколат муддати (3 йил) тугаганидан сўнг, бошланғич ташкилот органларининг ваколати тугаган ҳисобланади.

Ваколат муддати тугаганидан сўнг, аъзолар ташаббуси билан умумий йиғилиш ўтказилиб, қайта сайлов ўтказиши лозим.

қайта сайловларни ўтказиш форс-мажор ҳолатларида ёки қонунчиликда белгиланган бошқа чекловлар жорий қилинганда маълум бир муддатга кечиктирилиши мумкин.

6.7. Аёллар кенгаши:

Аёллар кенгаши бошланғич ташкилотнинг сайлаб қўйиладиган коллегиял, ижроия органи ҳисобланиб, бошланғич ташкилот фаолиятига

жорий раҳбарликни амалга оширади;

Аёллар кенгаши таркибига лавозимидан қатъий назар бошланғич ташкилотнинг фаол, обрўли аъзолари орасидан 3-7 нафар таркибда хотин-қизлари сайланади;

Аёллар кенгаши йиғилиши заруриятга қараб, аммо ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади;

Аёллар кенгаши йиғилишларини унинг раиси, у йўқ бўлган ҳолларда унинг аъзоларидан бири олиб боради;

Аёллар кенгашининг ваколат муддати 3 (уч) йил;

Аёллар кенгаши қарорлари йиғилиш баёни шаклида қабул қилинади.

6.8. Аёллар кенгаши ваколатига қуйидагилар киради:

низомда белгиланган вазифаларни ва умумий йиғилишнинг қарорларини бажариш бўйича фаолиятни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларига алоқадор, жумладан, бандлик, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, иш ҳақи, меҳнат шароити, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини, саломатлигини муҳофаза қилиш, уй-жой ва маиший турмуш шароити, маданий хизмат кўрсатиш, хотин-қизларнинг ижтимоий кафолатлари каби масалалар бўйича таклифларни ишлаб чиқади ҳамда уларни қонунларда ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

хотин-қизларга оид масалалар юзасидан тегишлиги бўйича ушбу низомнинг 1.1-бандида белгиланган ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика ва ҳудудий комиссияларга мурожаат қилиш, таклифлар киритиш;

соҳага оид хорижий тажрибаларни ўрганиб бориш;

қонунчиликда бошланғич ташкилотга бериладиган ҳуқуқларни амалга ошириш;

ўз фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни хабардор қилиш

бошланғич ташкилот раиси ўз хоҳишига кўра ёки бошқа ишга ўтганлиги сабабли лавозимидан озод этиш ҳақида ариза берган тақдирда ёки саломатлиги ёмонлашгани туфайли ўз вазифаларини бажара олмай қолган ҳолларда умумий йиғилишлар оралиғида бошланғич ташкилот раисини сайлаш ва лавозимидан озод қилиш;

умумий йиғилишлар оралиғидаги даврда бошланғич ташкилот раиси лавозимидан озод этилган ҳолларда, умумий йиғилиш ўтказилганига қадар бошланғич ташкилот раиси вазифасини бажаришни унинг аъзоларидан бирига юклаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

6.9. Бошланғич ташкилот раиси:

Бошланғич ташкилотга раҳбарлик қилади, бир вақтнинг ўзида умумий йиғилиш ва Аёллар кенгаши раиси ҳам ҳисобланади.

Ушбу низом ва раҳбар органлар қарорига мувофиқ берилган ваколатлар доирасида бошланғич ташкилот номидан иш кўради;

бошланғич ташкилот раиси меҳнат жамоаси раҳбарининг ўринбосари мақомига тенглаштирилади, умумий йиғилиш томонидан 3 (уч) йил муддатга

сайланади;

ушбу низом бўйича вазифаларни, шунингдек, раҳбар органлари қарорларининг бажарилишини ташкил этади ва унинг олдида ҳисобдордир;

давлат ва хўжалик бошқарув органларининг, иш берувчиларнинг очик ҳайъат мажлисларида бошланғич ташкилот номидан иштирок этади;

Умумий йиғилиш ва Аёллар кенгаши йиғилишларини ўтказди;

Аёллар кенгаши йиғилишини чақиради, муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан материаллар тайёрланишини ташкиллаштиради, йиғилишга масалаларни киритади, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлайди ва назорат қилади;

Умумий йиғилиш ва Аёллар кенгаши йиғилиши баёнларини имзолайди.

### **7-боб. Бошланғич ташкилот фаолияти сарҳисоби ва ахборот бериш тартиби**

7.1. Бошланғич ташкилот ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини олиб боради ва белгиланган тартибда ҳар чорак якунларида ҳисоботларни ушбу низомнинг 1.1 бандида белгиланган ташкилотларга тақдим этади.

### **8-боб. Бошланғич ташкилот фаолиятига кўмаклашиш.**

8.1. Ушбу Низомнинг 1.1-бандида белгиланган ташкилотлар хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотга ҳар томонлама кўмаклашади, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга масъул ҳисобланади.

### **9-боб. Бошланғич ташкилотни тугатиш ёки қайта ташкил этиш тартиби**

9.1. Бошланғич ташкилотни тугатиш, қайта ташкил этиш ишлари бошланғич ташкилотнинг Умумий йиғилиши қарорига асосан амалга оширилади.

9.2. Бошланғич ташкилот қайта ташкил этилганда Умумий йиғилиш унинг ҳуқуқий ворисини белгилайди.

9.3. Бошланғич ташкилотни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.4. Бошланғич ташкилотни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш ушбу Низомнинг 1.1-бандида белгиланган ташкилотлар жамоаси, раҳбар органи ташаббуси билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

9.5. Бошланғич ташкилот фаолиятидаги низолар ушбу Низомнинг 1.1- бандида белгиланган ташкилотлар томонидан ҳал этилади.